

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТОЛЕРАНТЛИК ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

ХВПКҚТМОИ, ўқитувчиси Н.Махмудова

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Бугун биз янги давлат, янги жамият кураётган эканмиз, бу тизимда ижтимоий-сиёсий муносабатлар, одамларнинг онги ва тафаккури ҳам ўзига хос, шу билан бирга, мутлоқо янгича маъно касб этиши шубҳасиз»¹-деганлари ҳолда бу жараён албатта муносабатлар негизига қурилиши, уни асосида толерантлик йўналишларни даврга мос такомиллаштириш масалалари мавжуд эканлигини Президентимиз фикр-мулоҳазаларида намоён, яъни уларни фикрича “Аввало, шахс билан давлат, инсон билан жамият муносабатлари батамом янгича мазмун ва шакл топиши, янги хусусиятлар, янги тамойилларга асосланиши керак”². Буларни ҳаммаси янгича қадриятлар ва демакратик принциплар моҳиятига, ўз турмуш ва тафаккур тарзимизга мос, фуқаролар барпо қилаётган адолатли жамият талабларига жавоб берадиган муносабатлар бўлмоғи керак. Бу жараёни амалга ошириш муносабатларни асоси ҳисобланган толерантликни такомиллаши билан боғлиқ. Ҳаётдаги тотувлик ва инсон тарбиясининг асоси, табиат қийинчиликларини, ташқи хавф-хатарларни биргаликда енгиш, ерларни ишлашда кучларни бирлаштириш, яхши-ёмон кунларда бир-бирига елкадош бўлишига интилиш туйғуси олис аجدодларимизни жамоа тарзида яшашга ўрганганлиги ҳалқимизни тарихан бағрикенг, бир-бирига ҳурмат-эҳтиромли эканлигини тасдиқлайди. Бағрикенгликни такомиллаштиришда, уни ўзаро меҳр-оқибат сингари ноёб инсоний фазилатлар айнан оилада кўрак отиб, мактаб, маҳалла муҳитида камол топади. Толерантлик тушунчаларни аввалом бор мактабда бошланғич синф ўқувчиларида шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

¹ Каримов И.А.Миллий истиклол мафқураси-ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «Ўзбекистон»,2000й.3-бет.

² Каримов И.А.Миллий истиклол мафқураси-ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «Ўзбекистон»,2000й.3-бет.

Толерантликни ифодаловчи муҳим воситалардан бири ўзаро диалог, яъни мулоқотдир. Бундай мулоқот асосан икки киши, яъни ўқитувчи ва ўқувчи орасида амалга оширилади.

Толерантлик тарбияси ўқувчиларни ижтимоий ҳаётда чидамлилиқ, бардош, ўзаро мулоқот, тоқатли бўлиш кабиларга ўргатади.

1-4-синф ўқувчиларида толерантлик тушунчаларини шакллантириш чора-тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўқувчиларни жамиятдаги барча дин ва миллат вакилларининг қадр-қимматини ҳимоя қилиш тамойиллари билан таништириш;

- ҳар бир шахс табиат ва жамиятнинг ноёб такрорланмас мўъжизаси эканлигини англаб етишига педагогик кўмак бериш;

- миллатлар ва динлараро маънавий ва маданий фарқланишнинг асосини ўзаро уйғунлаштирувчи тамойилдан иборат эканлигини англаш;

- ҳамкорлик ҳаракатининг асоси - субъект-субъект муносабатларини ташкил этишга кўмаклашиш. Бу ўринда ўқувчи топшириқ бажараётган пайтда юзага келадиган муаммоларни биргаликда ҳал этиш ва меҳнатни тўғри тақсимлашга ўргатиш керак. Ўқувчилар бир-бирларини тўлдирувчи элемент эканлиги, уларнинг ҳар бири ушбу гуруҳ учун ўзига хос топилма эканлигини тўла-тўқис ҳис этишлари мақсадга мувофиқдир.

Ушбу тамойилларга амал қилиш натижасида ўқувчилар аста-секин тинчлик маданияти элементларини эгаллаб борадилар. Бошқаларни ҳурмат қилиш, уларнинг қадриятларига тоқат билан муносабатда бўлиш каби кўникмаларни эгаллаган ўқувчи истиқболда жамият ҳаётида тинчликни барпо қилиш, турли миллат ва дин вакиллари билан ҳамжиҳатликда яшаш кўникмасини Таълим-тарбия жараёнида толерантликни тарбиялаш натижасида қуйидагилар назарда тутилади:

- мактаб ва синф жамоасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни амалга оширувчи ўқувчини тарбиялаш;

- толерантликка ёт бўлган муносабатларга қарши чиқадиган ўқувчини тарбиялаш.

Ўқувчиларда толерантликни қарор топтиришга ёрдам берадиган тадбирлар қуйидаги изчилликда амалга оширилиши лозим:

1. 1-4-синф ўқувчиларида, уларни ўзаро ҳамжихатликка асосланган ҳаракатга жалб этиш орқали эмпатия, ҳамдардлик туйғуларини тарбиялаш.

2. 4-синф ўқувчиларида баҳс юритиш, мунозара қилиш ва келишмовчиликларни тинчлик йўли билан ҳал этиш, очиқ мулоқот асосида толерантлик кўникмаларини шакллантириш.

3. Шу билан бир қаторда интерфаол ўқитиш методлари орқали ўқувчининг ота-оналари, синфдошлар, атроф-муҳитдагилар, ўқитувчилар билан мулоқоти асосида ҳам толерантлик тарбияси амалга оширилади.

1-4-синф ўқувчиларида толерантлик тушунчаларини шакллантириш мақсадлари бизнингча қуйидагилардан иборатдир:

- ўқитувчилар, ота-оналар, атроф-муҳитдаги кишилар ҳамда ўқувчиларда эмпатик қобилиятларни ривожлантириш, бошқаларнинг фикрлари ва қарашларига нисбатан бардошли бўлишга одатлантириш;

- толерантлик кўникмаларини бир қадар эгаллаган ўқувчиларда коммуникатив, яъни мулоқот маданияти элементларини шакллантириш;

- 1-4-синф ўқувчиларини табиат, жамият аъзолари ҳамда атроф-муҳитга нисбатан тажовузорликка қарши курашиш руҳида тарбиялаш.

Ўқувчиларда ҳосил бўлган толерантликка оид тушунчаларни аниқлаш натижасида уларда учрайдиган хавотир, мактаб ҳаётига мослаша олмаслик, юқори даражадаги кўркувнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчининг ёш хусусиятлари, имкониятлари, кундалик эҳтиёжлари ва жамиятнинг ижтимоий буюртмасига таянган ҳолда толерантлик тарбияси мазмунини белгилаш зарурлиги тобора муҳим бўлиб қолмоқда. Толерантликка оид тушунчаларни 1-4-синф ўқувчиларига муайян изчил тизим асосида тақдим этиш педагогик жараённинг динамик тараққиёти, ўқувчининг узлуксиз ривожланиб бориши учун муҳим аҳамиятга эга. Жамият ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш натижалари шуни

кўрсатмоқдаки, толерантлик туйғуси етарлича шакллантирилмаган ёшларда кўрқув, ҳадиксираш, турлича ёт таъсирларга берилиш жараёни осон кечмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда толерантликка оид тушунчаларни изчил тизим асосида ўқувчиларга сингдириб бориш муаммоси тобора долзарблик касб этмоқда.